QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLİKASI'
XALI'Q BİLİMLENDİRİW MİNİSTRLİGI

No'kis q. A.Dosnazarovk. 62 u'y, tel: 8 (361) 222-24-37, faks: 222-98-30,
**web-site:** http://kkedu.uz,**e-mail:** qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

**«07» Апрель 2021 й.** **03 -03/03-1729 - сонли**

**Беруний тумани Халқ таълими бўлими мудири А.Худайбергеновга**

Беруний тумани "Беруний" овул фуқаролар йиғини "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро Д.Дуйшенованинг мурожаатини ўрнатилган тартибда ўрганиб, жорий йилнинг 15 аперль кунига қадар вазирликка ва мурожаат муаллифига асосланган жавоб беришингизни сўраймиз.

Мурожаат илова қилинади.

Илова 5 варақдан иборат.

**Вазирнинг ўринбосари** **Ш.Таджимуратов**

Ижрочи: Э.Нуртаев
Тел: (061) 222-11-51

ОХХ Qoraqalpog'iston
Respublikası boʻyicha boshqarmasiga

Тел ракам: +99897 506 00 98

Манзил: Беруний гумани Беруний ОФЙ. Тинчлик МФЙ, 223 уй

# Ариза

Мен Дуйшенова Дамира Муратбаевна 1991 йил 8-майда Беруний туманида тугилганман. Оилада онам, укам, синглим, келиним ва мен яшаймиз. Отам 1997 йилда автохолакат туфайли вафот этган. Мен 2015 йилда КДУ нинг физика факультетини тугатдим. 2015 йилдан буён Беруний туманидаги Найман ОФЙ да жойлашган 55-мактабда физика фани укитувчиси булиб ишлайман. Хозирда иккинчи тоифали укитувчиман.

Мен аризам оркали 55-мактаб директори Рейимбаев Махмуд ва мактаб ёшлар иттифоки етакчиси Аханова Назокатнинг мени инган бунатини у... мактаб ходимлари олдида айтган тухмат, кахорат ва ходимларни карши куйиш максадида мени алдов йули билан ёзиб олинган аудиоёзувни хаммага эшиттиргани ва Аханова Ннинг Прокуратура карорига карши айтган гапи ва Рейимбаев Мнинг мендан 2 000 000 сум (икки миллион сум) пулини олиб менга кайтармагани хакида.

2018 йилда М. Рейимбаев мактабга директор сифатида тайинланди. Мен ундан олдинги уч йил давомида хеч кандай прокуратура ва халк таълими булимига ариза билан мурожат килмаганман. 3 йил давомида бундай ишлар булмаган. Директор 2018 йили укув ишлари буйича директор уринбосори Юлдашева Ойимжон ва Аханова Назокатнинг тушунтириши хати мавжуд деб айтган ёлгон гапларига ишониб менинг 110 000 (бир юз ун минг) сум микдордаги ойлик маошимни киркиб ташлаган. Мен бу тухмат юзасидан Узбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевга ариза йулладим. Аризамни туман прокуратураси ва халк таълими булими мактабда 2 кун давомида текширув утказиб дарс утилганини, мен 6-кун мактабда булганимни ва хеч кандай тушунтириш хати булмаганлигини, ойлик маоши

QR XALIQ BILIMLEND... MINISTRLIGI

хеч кандай асоссиз киркиб ташланганлиги аникланди, кейинги ойда менинг 110 000 сум ойлик маошим кайтариб туланди. Кейинчалик Аханова Н ва Рейимбаев М укитувчиларни алдов йули билан аудиоёзувлар ёздириб, директор урипбосори Юлдашева Ога такдим этишган. Юлдашева О бу ёзувларга асосланиб тарих фани укитувчиси Рузимов Шнинг устидан хар кил тухматларга асосланган ариза билан Узбекистон Республикаси президентига мурожат килган. Ариза текширилиб курилган пайтда Рузимов Шокирнинг хеч кимдан пул олмагани аникланган. Рейимбаев М. ва Аханова Н ёздирган аудиоёзувлар ёлгон тухмат эканлиги тасдикланган. Натижада Юлдашева О лавозимидан туширилган. Рузимов Шокир халиям мактабда укитувчи булиб ишлайди.

Директор бундай уюштирилган тухмат билан Абдикайирова Зубайдани укувчилардан пул олди деб ва Жумабаева Тазагулни билимсиз деб кахоратлаб уз арзасига кура ишдан бушашга мажбур килган. Хозирда менга шу укитувчиларга килган тазийкини, тухмат ва кахоратларни килиб, рухиятимга ёмон таъсир утказиб, уз аризанга кура ишдан буша ёки ходимларнинг шикоятига кура ишдан бушатаман. Мен сенинг иштирокингсиз йигилишда ишдан бушатдим. Ишдан бушатишим сени керагинг йук. Мен сен билан ишламайман деб бакирди.

2019 йил ноябрь ойида онам кузи хасталиги туфайли мен уз хисобимдан 14 кунлик таътил олдим. Таътил 6 декабр куни тугади. Мен 6 декабрьдан 20 декабрьгача юзим ва кулларимга тошма тошиб кетганлиги учун туман поликлиникасидан уй шароити деб маълумотнома олдим. Бу холда мактабга борип мумкин эмас деди. Бу маълумотномани мен директорга такдим этдим. У бу когоз блютонь булиши керак эди сен ишдан кетасан деб тахдид килди. Кейин мени узи ёнига чакириб, сен 2 000 000 сум берсанг сенга блютон тугрилаб бераман, мени доктор танишларим куп деб айтди ва блютон учун моддий берилади деди. Мен 2000 000 сум директорга бердим. Лекин директор хеч кандай блютон олмаган. Менга моддий беро олмагани учун мен ундан блютон нега олмаганлигини сурадим. У блютон керак эмас, мактабни хама хужжатлари менинг кулимда, сени бушаш, бушамаслигингни мен хал киламан. Сени 2 000 000 нингни сурама, сени ишдан бушатмайман деди. 2020 йили сенга мукофот бераман деб ваъда килди. Директор уша справка билан мени ишдан бушатмади. Пулимни узига пора сифатида олди. 2020 йил март ойида карантин сабапли мукофот пули тухтатилди. 2021 йил январь ойида кайта берила бошлади. Мен директордан мукофот пули сурадим. Ёки 2 000 000 пулимни кайтаринг ёки тегишли жойга мурожат киламан дедим. Директор кейин хали уйлаб курамиз деб айтди. Кейин менга

хайфсан бериш пайига тушди. Хайфсан олган укитувчи олти ойгача мукофот пули олмайди деб айтди. Кейин мени синфимнинг укувчиси Кузибоев Мухторнинг дадасини узи телефон килиб чакиртирган экан. Менга дадаси болам касал, уч кундан буен молхонадан олиб келябман, осилиб улмокчи, мактабга бормайман деб туриб олди, дустлари устидан кулаетган экан, сен ишлаша олмаёбсан, болани бу холатига сен сабабчисан деб айтди. Лекин шу пайтда хар куни мактабга келган. Улар айтаётган 5-6-кун мен ва уртоклари билан паспорт столга борганди. Укувчимнинг ахволи жуда яхши эди. Дустлари билан хам яхши эди. Бу гапларни мен укувчимдан сураганда у дадамни директорнинг узи телефон килиб чакирди. Мен касал эмасман. Мактабдан колмаёбман. Бундай вокеа икки йил олдин сиз синф рахбари булмаган пайтда булган деб айтди. 15 февраль куни мен директордан мактабда 18-19-20-фераль кунларига тугишган укамнинг туйи муносабати билан жавоб сурадим. Келин Касондан (Кашкадарё) булганлиги сабабли, йул узок 18и куни кетамиз деб айттим. Онам декабрь ойида кузларидан операция булдилар. Уч ой давомида ташкарига чика олмайди. Узок йул мумкин эмас. Мен боришга мажбулман дедим. Директор рухсат берди. Сенинг урнинга дарсни Матназар утади, уч кунлик иш хакингни унга берасан деди. Мен дарсни алмаштириш учун ариза ёзмокчи эдим. Бошкалар туй булса ун кунлаб колади. Уч кунинг хеч гап эмас, ёзмай куябер деди.

20-февраль куни мен туйда пайтим директор мажлис утказган. Мен Дамиранинг каерга кетганидан хабарим йук, мендан жавоб сурамади, унга бугун хайфсан ва 30 фойиз ойлик маошини киркиб ташлайман, уни ишдан бушатаман деб айттан.

22 февральда мен ишга бориб дарсларимни утдим. Укитувчилар синф журналимнинг йуклигини менга айтишди. Мен укувчиларим билан журнални хама жойдан излаб чикдим. Кейин директор номига ариза ёзиб унинг ёнига кирдим. У журнални сен олиб кетгансан деб менга тухмат килди. Журнал 3-кун 17-февральда олдинги дарсларда мавжуд булган, кейин топа олишмаган. 3-кун мени метод куним мен мактабга боргмаганман, у куни дарс куйилмаган. Кейин директор менга кеча мажлисда сенга жавоб берганимни айта олмадим. Укитувчилар сени ишдан бушатишимни талаб килишаёбди. Сен ташкилий кумита раиси Жуматов Мирзабекга узим билган сабабсиз ишга келмадим. Мактаб ходимларининг айтган гапларини эшитдим, уларнинг фикрлари менга бир тийин деб айтишимни ва узи билан улар олдида сизни хурмат килмайман деган маънода у билан жаньжаллашишимни айтди. Мен ходимларга сенга рухсат бердим десам иккаламизнинг огзи бир деб уйлаб колишади, сен хозир ёмон куринсанг улар хам тинч куйишади, мен

сени ишдан бушатмайман. Дамиранинг дойисини хурмат киламан,уни ишдан бушатмаслигимни сабаби шу, дойисидан хаммангиз куркасиз ку деб айтаман деди. Менга 27-февраль куни мажлисда катнашмасликга рухсат берди. Колган укувчиларга шу хафтада олиб беришни буюрди. Лекин узим бораман деб айт деди. Жуматов Мирзабек ва Пулатов Даврон иштирокида мен билан сухбатлашди. Мен директор айтган гапларни айтдим. Уша кунги хама сухбат аудиоёзув сифатида 27-февраль куни укитувчиларга куйиб эшиттирилган. Бу сухбатни эшитиб мактаб ходимлари мени тухмат, хакорат ва бошка беухшов (сочини ёйиб юради, маънавиятчи киз болада номус булиши керак, бу уйла йук деган) шунга ухшаш гаплар айтилган. Уша жойда директор оиламни тарбиясиз деб хакорат килган. Мажлисдаги хама гаплар хакорат ва тухмат. 1-март куни мен ишга бордим. Директор мени олдига чакириб, овозини кутариб бакириб, стол устидаги нарсаларни куллари билан урганида, кунгирок тугмаси синиб кетди. Педагогларга ва уз лавозимига мос булмаган охангда мен билан гаплашди. Мен Тозагул ва Зубайдани нега бушатдингиз. Худо десангиз бу ишингиз нимаси. Зубайданинг иккита етим боласи бор деб айтдим. У сен хам уларга ухшаб бечора буласан, сени хам кимдур айтиб келади якинда, шуларга ухшаб иштан бушатиб юбораман деди. Узини 18-19-20-февраль кунлари берган жавобини тан олмади. Паспорт столга рухсат бермагандим деб менга узи ургатган гапларни айтган аудиозаписьни олиб келиб эшиттиришларини суради. Директор жудаям беписанд гапирди. Сен ишдан кетасан, сенинг урнинга янги ходим топганман деб айтди. Директор 2 миллион учун мени уюштириб ишдан бушатаябсиз, у менинг халол пулим деганимда, 2 миллион тугул 500 минг хам бермайман, сен ишдан бушаб кетасан деб ходимлар олдида тан олди бу пулни. Сени бошка директорлар ёмонлашаёбди. Кандай ишлаёбсан у билан деябди. Бу гапни ким айтганини сурасам «ишинг булмасин сени» деб ким эканлигини айтмасдан купол гапирди. Агар угил бола булганингда ёткизиб куйиб тепиб урардим деб узининг ёрдамчи ходимлари олдида менинг нафсониётимга тегди. Сен Ойимжон опанинг пайтида бушаб кетардинг, уша тушунтириш хатини йиртиб ташламаганингда. Бу гапни 27 февраль куни йигилишда Аханова Н. хаманинг олдида Дамира хатни Ойимжон опанинг сумкасидан олиб йиртиб ташлади. Мавжуд булмаган тушунтириш хати учун ёлгон гувохлик берган. Директор менга хама синф журналларини 18-19-февраль кунлари учун ёзишимга узи рухсат берган. Мени 18-19-20 февраль кунлари учун хеч кандай тушунтириш хати ёзмаганман. Хамма синф журналларини мен ёзганман. Ойлик маошимни киркишга уларда асос йук. Факат директорнинг рухсат бермадим деган ёлгон гапи билан кесилди. Агар мен сурамасдан кетганимда у рухсат бермас эди. Директор мен ва ходимларни карши куйиш

учун иккиюзламачилик килган. Мен мажлисни кайтдан менинг иштирокимда утказилишини илтимос килдим. У сен бушагансан мажлис утказмайман деди. Кейин изимдан чикиб, Бунёдга айтдим, 4 кунлик маошинг киркилди. 10-синф журналига ёзма кет деб мактабдан хайдади. Директор мен журнални излаб беришини сураб ёзган аризамни олмасдан, сен олгансан деб тухмат килгани учун давлат хужжати хисобланган синф журналини топиб бериши сурайман.

Юкоридагиларни иноботга олиб Аханова Назокатга ходимлар олдида прокуратура карорига карши чикиб, мавжуд булмаган тушунтириш хатини угирлади деганлиги учун, директор уз мансабидан фойдаланиб мен дан 2 миллион пул олиб кайтармасдан коррупцияга йул куйганлиги учун, аудиозапись эшиттириб ходимларни менга карши куйганлиги учун, менга ёрдамчи ходимлар олдида овозини гапириб хакорат килганлиги учун Узбекистон Республикаси Конунчилигида белгиланган жазони беришингизни, менинг уз ишимни тулик холда (дарс соатлари, лаборанчилик ва синф) кайта тиклашимга ёрдам беришингиз сурайман.

Аризамга кушимча паспорт нусхаси, укувчиларнинг журналини мен олмаганим хакидаги ариза ва турт та аудиоёзув (27-февраль мажлисининг, 1-, мартдаги мажлиснинг, укувчим билан сухбатим ва укувчиларим билан сухбатим)